



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 15 июль № 148 (3423)

Пайшанба



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 14 июль куни Оқсаройда АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё масалалари бўйича ёрдамчиси Элизабет Жонсонни қабул қилди.

— Биз АҚШ билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдоримиз, — деди мамлакатимиз раҳбари учрашувда. — Бу Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мосдир.

Ислам Каримов Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

АҚШ Ўзбекистоннинг йирик савдо шерикларидандир. 2003 йили бу мамлакат билан ўзаро савдо ҳажми 335,2 миллион долларга тенг бўлди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 124 фоиз ошди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳам кенгайиб бормоқда. Оқсаройдаги учрашувда ўзаро сиёсий, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларни янада ривожлантиришга, минтақавий ҳавфсизликни мустаҳкамлашга ҳамда Афғонистондаги вазиятга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА). СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Абдувоҳид Тўраев олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Р.Қосимжоновни Амир Темур ордени билан мукофотлаш тўғрисида



Шахмат бўйича 2004 йил жаҳон биринчилигида голибликни қўлга киритиб, халқимизга хос юксак интеллектуал салоҳият, мардлик ва жасорат намунасини амалда намойён этгани, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, унинг шухратини бутун дунёга тараннум этишга қўшган улкан ҳиссаси учун Рустам Қосимжонов Амир Темур ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2004 йил 14 июль.

Муносабат

ЮКСАК ҒАЛАБАГА МУНОСИБ МУКОФОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан куни кеча шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган шарафли унвонни қўлга киритган Рустам Қосимжоновнинг Ватанимизнинг юксак мукофоти — Амир Темур ордени билан тақдирлангани жамоатчилигимиз, халқимиз кўнглидаги иш бўлди. Ёш ўзбек гроссмейстерининг буюк саркарда ва давлат арбоби, соҳибқирон бобомиз билан аталадиган олий мукофотга сазовор бўлганда ўзига хос рамзий маъно бор.

Ливия пойтахти олис Триполи шаҳрида дунёнинг 56 мамлакатидан келган 128 нафар манамен деган шахмат усталари иштирокида ўтган кескин ва машаққатли беллашувлар пайтида Рустамни Амир Темур каби буюк аждодларимизнинг ўлмас руҳлари ҳам қўллаб-қувватлаган бўлса, ажаб эмас.

Аваллабор, дунё шахмат оламида катта обрў-эътибор қозongan юрдошимиз эришган бу улкан ғалаба Амир Темур каби мумтоз сиймонинг "Биз кимиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз?" деган даъваткор сўзларини беихтиёр ёдга солади. Чунки Рустам Қосимжоновдек юксак ақл-заковат, мустаҳкам ирода ва шижоат соҳиблари бой тарих ва бетакрор маданиятга, теран маънавий илдизларга эга бўлган, ўз аждодларининг беқиёс меросини асраб-авайлаб, уни янада бойитиш, ривожлантиришга интилиб яшайдиган халқ орасидан етишиб чиқиши яхши маълум.

Бўлган маданий муҳит, юксак тафаккур мактабининг мантқиқий ҳосиласи, деб қабул қилсак, ўринли бўлади. Шу борада Амир Темур бобомизнинг ўзи ҳам шахмат илмини пухта эгаллагани, оғир вазиятларда, кўпгина мураккаб муаммоларни ҳал этишда ноёб мўъжиза бўлмиш шахмат санъати унга руҳий мадад ва қўмақ берганини айтиб ўтиш жоиз.

Барчамиз неча йиллардан буюн орақиб кутган бу тарихий ғалаба халқимиз, аввало, уни-ўсиб келаётган ёшларимизни мана шундай улғувор ишлар, юксак марралар сари руҳлантиради, уларнинг ўз кучи ва салоҳиятига, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди, гурур-ифтихор маънаси бўлиб хизмат қилади.

Бўшқача айтганда, нене буюк зотлар учун муқаддас бешик бўлган қадимий заминимиздан соҳибқирон Амир Темурдек буюк шахматнинг етишиб чиқкани бежиз бўлмаганидек, Рустам Қосимжоновнинг айнан ўзбек диёрида туғилиб, камол топгани, жаҳон шахмат тожони қўлга киритгани ҳам тасодиф эмас. Бу ғалабани, аввало, она юртимизда қадимдан мавжуд

бўлган маданий муҳит, юксак тафаккур мактабининг мантқиқий ҳосиласи, деб қабул қилсак, ўринли бўлади. Шу борада Амир Темур бобомизнинг ўзи ҳам шахмат илмини пухта эгаллагани, оғир вазиятларда, кўпгина мураккаб муаммоларни ҳал этишда ноёб мўъжиза бўлмиш шахмат санъати унга руҳий мадад ва қўмақ берганини айтиб ўтиш жоиз.

Бу юксак мукофот тобора кунга тўлиб, билим ва тажрибаси ортиб бораётган Рустам Қосимжоновни янги ғалабаларга чорлаши, илҳомлантириши шубҳасиз. Биз шахмат бўйича 2004 йил жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонга Амир Темур бобомизга хос фазилатлар ҳаммиса ёр бўлишини тилаймиз.

Улғу бобомизга мансуб ана шундай теран тафаккур, мардлик ва жасорат фазилатларини намойён этган Рустам Қосимжоновга ўзгал ва бетакрор юртимиз — Ўзбекистонимиз номини бутун дунёга тараннум этди, жаҳон жамоатчилиги томонидан шахмат қиролли, деб тан олинди.

(ЎзА).

Ватандошлар дил изҳори

Рустам Қосимжоновнинг шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлиши мамлакатимизнинг барча меҳнаткашларини тўлқинлантириб юборди. Улар ўзларининг дил сўзларини таҳририятимизга юборётган шошилинч-номаларида изҳор этишмоқда.

жоновни эришган улкан зафарлари билан муборакбод этамиз.

Бу ютуқ Президентининг Ислам Каримовнинг ёшларга қўрсатаётган ғамхўрлигининг ёрқин намунаси.

Кўкун шаҳар халқ таълими бўлими.

Биз, Фарғона политехника институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўзбек халқининг мард ўғлини Рустам Қосимжоновнинг оламушуму ғалабасини эшитиб, қалбларимиз ифтихор туйғуларига тўлиб тошди. Ўзбекистон кимлигини дунёга қўрсатган Рустамжондек истеъдодли ватандошимиз борлиги билан фахрланамиз. Бу улкан муваффақият Президентимизнинг республикамиз спорти тараққиётига қўрсатаётган катта ғамхўрлиги натижасидир.

Жамоа номидан: ректор Р. ТОҶИЕВ.

Мен ёшларга, уларнинг куч-қудрати, ақл-заковатига доимо ишонардим ва буни Рустам Қосимжонов нга бир қарра исботлади. Шунингдек, мен Ўзбекистон ёшларининг барча соҳадаги ишларида Рустамнинг зафарларини кўрём келди.


Карим СУЛТОНОВ,
Ширин энергетика ва маънавий хизмат касб-ҳунар коллежи директори.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё масалалари бўйича ёрдамчиси Элизабет Жонсон 14 июль куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Учрашувда ўзаро сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий алоқаларни янада ривожлантириш, террорчилик, гиёҳванди моддалар контрабандаси, экстремизм каби таҳдидларга қарши кураш, Марказий Осиёда ҳавфсизликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни кенгайтириш юзасидан фикрлашилди.

(ЎзА).



Рустамжон! Сизнинг шахмат соҳасидаги эришган бу буюк ғалабанигиз Ўзбекистон халқини, айниқса, ёшларимизни янгидан-янги ташаббусларга даъват этади ҳамда халқимиз гурурини ошириб, улар қалбига миллий ифтихор туйғуларини кучайтиришига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Улғу аломатларимиз ва муқаддас сиймоларимиз руҳи поклари Сизни доимо қўлаб-қувватласин!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсуф таълим вазирлиги

Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов яна бир бор ўзбеклар шайини юксакка кўтарди. Янгиликларимиз, у Турон заминидан, мусулмон дунёсидан биринчи бўлиб шахмат шоҳисисига қикди. Мен уни чин дилдан қўлайман!

Тўлқинберг ҚАМПИЕРГЕНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети магистранти Рустам Қосимжонго

Юртининг шаънини кўтариш, миллий гурурини юксаклатиш ҳар қандай давлатнинг эзгу мақсади ҳисобланади. Бу эзу мақсадини эса унинг чинакам ватанпарвар фарзандлари амалга оширади.

Президентимиз ота-боболаримизга муносиб авлодлар бўлишни, буюк юрт фарзандлари жақинчилигини уқтириб келадилар. Эришган муваффақият

Халқаро анжуман

Анъанавий меъморчилик ва замонавий технология

Кеча Тошкентда "Меъморчилик, қурилиш ва кадастр масалаларини ечишда янги геосистемалар ҳамда технологиялар" мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди. Архитектура-қурилиш давлат қўмитаси ҳамда пойтахт ҳокимлиги ташаббуси билан уюштирилган ушбу тадбирда Россия, АҚШ, Нидерландия, Қозғистон давлатларининг етакчи фирмалари, республикамизнинг тегишли вазирлик, ташкилот, корхоналари, Архитектура-қурилиш давлат қўмитаси вилоятлар бошқармалари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинарда, меъморчилик ва қурилиш соҳасидаги муаммоларни ҳал этишда геосистемаларнинг таъминот соҳасидаги илмий-техник ютуқлардан хабардор бўлиш, янги технологияларни ўзлаштириш, бино ҳамда иншоотларни қуриш, лойиҳалаш жараёнида геосистемалардан фойдаланиш, ушбу йўналиш бўйича мамлакатимизга хорж инвестициясини кенг жалб қилиш хусусида сўз борди. Республикаимиз ва хорж мутахассислари бино ва иншоотларнинг мустаҳкамлиги, лойиҳа қиймати сингари омиллар геосистемаларнинг янги картографик, топографик, геодезик, геологик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этиши ва бу борадаги мавжуд муаммолар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирди.

Анжуманда, шунингдек, меъморчилик ва қурилиш соҳаларига янги технологияларни жалб қилиш ҳамда тадқиқот ва лойиҳалаш усулларини татбиқ этиш бўйича муваффақлаштирувчи марказ тузиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Р. Шоабдурахмонов сўзга чиқди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Кеча Жиззах шаҳрида Ўзбекистонда 2004 йилда ҳудудий демократик сайловлар ўтказишнинг ҳуқуқий асослари мавзусида ҳуқуқий семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Бўлажак сайловга бағишланди

Сиёсий партияларнинг қўйи ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва ОАВ вакиллари, жамоат ташкилотларининг раҳбар ходимлари қатнашган ушбу семинарнинг вилоят ҳокими У. Ямакқулов кириш сўзи билан очди.

Анжуман иштирокчилари дастлаб Марказий сайлов комиссияси раиси Б. Мустафоевнинг Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигининг ҳуқуқий асослари ҳамда бўлажак сайлов кампаниясини уюштириш мавзусидаги маърузасини тинглади. Шунингдек, семинарда сўзга чиққанлар сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари ва уларни сайлов кампаниясида молиялаштириш масаласи, мустақил ташаб-

бускор гуруҳларни тузиш тартиблари, маҳалла-нинг сиёсий жараёндаги иштироки каби мавзуларда ҳам маърузалар тинглади. Эркин фўқаролик жамиятимиз ҳаётида муҳим ўрин тутувчи сайлов кампаниясида хотин-қизлар ва ёшларнинг фаол қатнашуви таъминлаш, сайлов ташвиқоти ва реклама-сида одиллиқни устун билиш, сайловолди ташкилий ишлар борасидаги мулоҳаза-мунозаралар ҳам йиғилиш қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Семинар сўнггида унинг иштирокчиларга Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов қонунчилигига оид тавсия ва қўланмалар тақдим этилди.

Баҳридин САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Т.БОТИРБЕКОВ). Фўқаролик жамиятини ўрганиш институти хузурида ташкил этилган "Парламент журналистлари клуби"нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Янги парламентнинг тузилиши ва вазифаларига бағишланган маъруза тадбирда бўлажак сайловнинг ёритадиган, ушбу мавзу бўйича ихтисослашган журналистлар, олим ва мутахассислар қатнашди.


Мамлакатимизда шу йил охирида илк бор икки палатали парла-

ЯНГИ МАРКАЗ

НАВОИЙ (ЎзА мухбири Ёрқул УМАР). Вилоят марказида вилоятлараро маълумотларни тармоққа узатиш маркази иш бошлади. Вилоят гидрометеорология бошқармаси хузурида ташкил этилган маъруза метеорологларнинг ишини икки-уч баравар осонлаштирди. Марказ Бухоро вилоятининг уч, Навоий вилоятининг олти метеостанциясига хизмат кўрсатади.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

МЕҲР ВА МУРУВВАТ АНЗИЛАРИ БЎЙЛАБ



Қадимдан қолган бир нақл бор. Унинг қисқача мазмуни шундай. Ҳар бир юртининг кўрки-таровати, фэйзу баракоти ўша ерда яшайдиган халқнинг иймони, ватанга садоқати, қилаётган савоб ишлари билан белгиланаркан. Одамлар қандай бўлса, юрт ҳам шунга қараб ё рағнақ топаркан ё таназзул ботқоғига ботаркан. Шунинг учун ҳам бир киши "Мен фалон шаҳар аҳлидандурман" дея машҳур шахарнинг номини айтганида унга: "Яхши, лекин, сен шу шаҳар фуқаролигига лойиқмисан, гап шунда" дейишган экан.

Бахтларни балоғатга етказган замин

Бу гапларни баён этишдан мурда шуки, юртимизнинг бошқа гунаҳлари бўлганидек, жаннатмакон Фарғонада ҳам ана шундай иймонли, савобмалоб кишилар бисёр. Шу боис ҳам эл-улус орасида оқибат кучли, меҳмондўстлик беҳтар. Энг оддий касб эгаси ҳам юртимизда кечайтган ўзгаришлардан яхши хабардор. Уларнинг гап-сўзларида эртанги кунга умид бор, энг муҳими, бу умиднинг ушатишига ишончлари бор. Ана шунинг учун бўлса керак, улар кечайтган ҳар бир ислоҳотга ўз ҳиссаларини қўшишга баҳоли қудрат интилоқдалар ва бу интилоқлар йилдан-йилга ўз мевасини бераётди. Хусусан, жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан вилоятда кўпгина ўзгаришлар кузга ташланаётганлиги, буларнинг барчасида ана шу танти, соддадил одамларнинг меҳнати, ҳиссаси мурасам.

жойларда қандай бажарилаётганига гувоҳ бўлиш учун юртимизнинг бетақорр гунаҳи — Фарғона вилоятида бўлаганимизда ушбу ҳақиқатга яна бир бор иймон келтирдик.

Давлат Дастурида белгиланган ишларни амалга ошириш учун вилоят ҳокимининг 2004 йил, 16 февралдаги қарорига мувофиқ қилинажак ишлар режалаштирилган. Ҳўш, режа мавжуд, уларни бажариш қандай кечмоқда?

— Президентимизнинг "Ҳар қайси инсон буюк куч соҳибидир. Фақат уни уйғота билиш керак" деган гаплари бор, — дейди Фарғона вилоят ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Акромжон Иноятов. — Бу гапда катта маъно мужжасам. Бундоқ разм солсангиз, одамларимизнинг қалбида яратувчанлик, ишчанлик кайфияти устун эканлигини сезасиз. Бу нимадан? Албатта, этибордан. Ушбу йилнинг "Меҳр ва мурувват йили" деб аталishi ҳам кишиларимиз ўртасидаги оқибатни янада мустаҳкамламоқда. Айтмоқчиманки, одамларнинг қалбига қулоқ титиб, дилларидоғи элини топиб айтсангиз, улар барча эзгу ишни маромига етказадилар.

Меҳр ва мурувват, оқибат туйғуларни ўзбек халқи учун хос ҳислат. Шунинг учун ҳам бу фазиалар муштараклигида инсонийлик, оқибат, садоқат ришталарининг янада мустаҳкамланишини кўрамиз. Биз "Меҳр ва мурувват йили" давлат Дастури



«Саховат уйи» ва одамлари

Биз ўзгаларга меҳр улашишдан асло чарчамайдиган одамлар ҳузурига — Фарғона шаҳрида жойлашган "Саховат уйи"га бордик. Масканга кирверинида ҳаёлимизга дафъатан келган фикр шу бўлдики, бу ерда ишлайётганларнинг иқтисоди, меҳрига ҳар қанча тасаннолар айтсангиз ҳам, негаки, муштарак наларнинг, йўлга кўз тикиб ўтирган отларнинг маъносини нигоҳларига дош бериш мумкин. Бунинг учун кўнгли тошдай, бардош тоғдай бўлиши керак. Уларнинг кўнглиларига қараб, ўрнидан жилишга-да мадори йўқларнинг ҳолатини чиқариш айтиш-гагина осон, ҳам қилиш эса бениҳоят мушкул юмуш...

Ичкарига киримиз. Боқувчисини йўқотган ёки қаровчиси бўла туриб ёнизи қолган турли миллат вакиллари ўтиришди. Улар телевизорда берилган "Меҳр кўзда" кўрсатувини қўришди. Экранда яқин кишиларини йўқотганлар, бу ерда эса кўп ҳолларда ўз яқинлари томонидан ташлаб кетилганлар меҳрга зор. Аммо булар энди кўниқшган. Чунки бу ердагиларга ҳукуматимизнинг эътибори юксак. Бугунги шароитда бундай масканларга мурувват қилишнинг қадри баланд. Ана шундай эътибор боис бу ердагиларнинг ёйиш-ичишидан, ётиб-туришдан, хордик чиқаришдан кам-кўстлари йўқ. Эҳтимол, сиз гап фақат еб-ичишда, инсонга, энг аввало, меҳр керак-ку, дегенсиз. Ҳа, шундай. Ҳеч иккиланмасдан айти оламизки, "Саховат уйи"даги ходимлар бу борада ҳам орда қолишгани йўқ. Ана шундайлардан бири, Фарғона "Саховат уйи"да санъатга вазифасида йигирма йилдан бери ишлаб келаётган Муборакхон опа Кўчқоровадир.

— Бу ерда қариялар кўп, — дейди опа. — Уларнинг орасида қанчалар кўзгаломлайдиганлари ҳам бор. Бундайлар бизга иш буюришмайди, ўзини билб қиламиз, кўзларидан нимага мушқоқликлари шундоқ билиниб туради.

— Масканимизда ўн бир миллат вакиллари истикомат қилади, — дея гапга қўшилиди шу ерда ўн олти йилдан бери ишлаб келаётган яна бир жонкуяр опа Шарофатхон Матбобоева. — Турли миллат бўлгандан кейин феъл-атвор, инжиқликлар ҳам шунга яраша бўларкан. Аммо уларнинг кўнглиларидоғи меҳр-оқибат, бир-бирларига бўлган аҳилликини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди.

Биз "Саховат уйи"да йигирма йилдан бери умргузаронлик қилиб, ўзбекона меҳрдан баҳра олаётган Сония Баноова, Арофат Қанафарова, Мария Бравченко каби қариялар билан гаплашганимизда улар ўзбекистондаги бағрикенглик ҳеч қаерда учрамастлигини айтишди. Ва дунёни оқибат қутқаради, бизга меҳр кўрсатаётганлар омон бўлишлари учун туну-кун дуодамиз, дейишди.

Фариштадай покиза кишиларнинг дуоси эса тез ижобат бўлар эмиш...

Сўхдан бошланган ташаббус

Сўх туманида ажойиб ташаббус юзага келди. Чеккачекка қишлоқларда яшовчи одамлар ўзларидан билиб мактабга кўрсатаётган катта эътиборидан мамнун бўлишди ва кўларидан келганча бу ташаббусни кўллаб-қувватлашмоқда.

Сўхликлар таъмирлаш ҳолатида бўлган, янгидан барпо этилиши кўзда тутилган мактаблар учун ёғочни ўзимиз қилиб берамиз, дейишмоқда. Бунинг учун эса улар яхши ният билан эккан, эндиликда иморатга ишлатишга ортилган теракларни кесиб олиб келмоқдалар.

— Бунинг виждонимиз буюрди, — дейди туман тадбиркорларидан бири Бурхон Ҳайдаров. — Давлатимиз раҳбари мактабларнинг аҳолининг яхшилаш учун астойдил жон қўйишмоқда. Шундай пайтда биз қараб турсак, уят бўлароқ, дедик-да, уч-тўртта бир-галашдик. Бирлашишда гап кўп экан, мана кўлимиздан келган ёрдамни кўрсатаётганимиз учун, ўзимизнинг ишларимиз ҳам бароридан келаяпти. Худо хоҳласа, бундай ишларни тўтатмаймиз. Ахир, ҳаммаси сизиз бизнинг эртанимиз учун-ку!

Сўх — вилоятнинг кичик тумани. Бу ерда ўзбеклар билан бирга тожиклар ҳам яшади. Улар аҳил-иноқ, барча ишда маслаҳатдош, ҳамфир. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ташаббусни бир ёқдан бош қилиб кўллаб-қувватлашадик, уларнинг аҳиллигида ҳавасингиз келди. Бундай инқилик беҳиз эмас, албатта. Чунки икки халқ азалдан бағрикенглиги, очқалблги билан ажралиб туради.

Туманда 24 та мактаб мавжуд бўлиб, ҳозир уларнинг 20 тасининг томи қайтадан ёпилади. Айниқса "Мўлғон" қишлоғида жойлашган 7-мактабнинг янги типда дунёга келиши ўқувчилар учун ҳақиқий тўхфа бўлди. Чунки бир пайтлар қаровсиз ҳолатда бўлган мазкур мактабда энди нафақат ўқиб, балки спорт билан шуғулланиш учун ҳам барча шароит мурҳабб этилди. Буларнинг амалга ошириши эса оздан эиёб тадбиркор ўз ҳиссасини қўшди.

Демак, ҳамма гап ташаббус билан қилишда ва унинг кўллаб-қувватланишида экан...

Нуронийлар дуоси

Яқинда вилоятдаги Водил стационар бўлими янгидан иш бошлади. Бу ерда ҳозир бўлганлар бинони қайта таъмирлаш, жиҳозлаш, атрофини ободлаштириш ишлари дид билан бажарилаётганини алоҳида таъкидлашди. Асосий тиббий ускуналар, санитария жиҳозлари қорихдан келтирилди. Йўлаклар чиқариш, кўкаламзорлаштириш, фаворалар ўрнатиш ишлари сидқидилдан бажарилиди. Хуллас, бу ерда вилоят нуронийлари хордик чиқаришлари, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун қулай шароитлар яратилди ва бу борада ишлар давом этмоқда.

50 ўрнили стационарнинг биринчи даволанувчилари — Қува, Қувасой, Марғилон, Фарғона шаҳри ва туманларнинг бир гуруҳи уруш ва меҳнат фаришлари бўлишди. Кексалар шифокорларнинг хизматларида, яратилган шароитдан мамнунликларини изҳор этишди. Гап шундаки, қарийб қирқ йилдан бун алоқасизлик ҳаммаси, меҳбеллар, ошхона жиҳозларига янгиланди.

— Биз — кексаларга фарзандларимиз қамолини, юртимиз ободлигини кўриш тетиклик бахш этади, — дейди қувасойлик уруш ва меҳнат фариши Хасанбой бобо Жўраев. — Айниқса, "Қарияларнинг қадрли йили", "Обод маҳалла йили", уларнинг ўзини давомий бўлган "Меҳр ва мурувват йили"да амалга оширилаётган ишлардан кўнгли-қиз қўтарилади. Ана шундай уруш ишлар бошида турган Юртбошимизнинг дуои жонини қилиб, ишларимиз ривож топишини тилаймиз.

Ҳа, дуо билан ер, деганлардек, нуронийларга иззат-икром кўрсатиш одамлилик қилишни ҳам деб билганлар учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Дам Ғанимат, фурсат Ғанимат...

Вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг "Меҳр ва мурувват йили" дастурида белгиланган вазифаларни бажариш учун жорий йилнинг беш ойида ижтимоий соҳаларда қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, кам таъминланган оилалар вакили, ишсизларга қўллаётган оналар учун — 1405, 8 миллион сўм, кам таъминланган оила-ларнинг 18 ёшгача бўлган болаларига нафақалар учун — 2373,5 миллион сўм, кам таъминланган оила-ларга 183,8 миллион сўм моддий ёрдам маблағлари сарфланди.

Албатта, бу борада фақат кам таъминланганларга кўмак бериш билан чекланиб қолинмади. Бунда таълим муассасаларида ўқиб, китоб-дафтар олишга қўриб етмайдиган оила фарзандларига ҳам катта ёрдам берилди. Хусусан, вилоятдаги таълим муассасаларида 1-синфда ўқиб турган 67 миң 925 нафар ўқувчи бепул дарслик ва ўқув қуроллари билан таъминланган. Шунингдек, "Меҳрибонлик уйлари" тарбияланувчиларига оғиз фозиз дарсликлар ва ўқув қуроллари бепул ажратиб берилди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтиришни даврийнги ўзи тақозо этмоқда. Бу борада мамлакатимизда кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Бундай ишлардан кўзда тутилган мақсад шуки, энг чеқка қишлоқдаги беимор ҳам шаҳардагидек замонавий жиҳозланган шифокорларда даволанишига замин яратиш. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда жойларда қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилапти. Бундай янги биноларга эса тиббийки, янги асбоб-ускуналар, тиббий жиҳозлар зарур. Ана шуларни ҳисобга

олиб, тез тиббий ёрдам хизмати марказлари учун алоқа воситалари, тиббий жиҳозларга 341 миң АҚШ доллар миқдорида маблағ ажратилди. Шифо масканларини капитал таъмирлаш учун вилоят марказидаги ва Олти-қабил тумани шифолиқ тиббий марказ-ларига жами 24 миллион сўм маблағ ажратилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида авф тўғрисида оғирликка чиққан 729 нафар фуқаро яшаш ва иш жойларида моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Жумладан, 7 нафари уй-жой билан таъминланди, 401 нафари ишга жойлаштирилди, 123 нафари даволанмоқда, 20 нафари нафақага чиқарилди.

Эътироф этиб ўтиш керакки, бундай савобли ишлар Фарғона вилоятининг ҳар бир туманида олиб борилаётган. Бу ерда ҳар эса ўз ўрнида одамлар ўртасида аҳиллик, оқибат каби инсоний ҳислатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Шу билан бирга ютуқлар қатори камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, юқорида зикр этилган Дастур қабул қилингандан кейин шунча фурсат ўтса ҳамки, вилоятда Фарғона шаҳар ҳокимлиги томонидан "Сен ёлғиз эмасан" ва "Меҳр-мурувват" марказларига бино, жиҳозлар ажратиб берилмаган. Бундан ташқари, касб-кўнар коллежлари, академик лицейларда таълим олаётган кам таъминланган оила-ларнинг иқтидорли фарзандлари ва ногирон оила-ларнинг моддий қўллаб-қувватлаш учун махсус жамғарма ажратилмаган. Қамийда 50 та муҳтож оила-ларга ва етим болаларга фойдаланилмаётган турар жойларни таъмирлаб топириш вазифалари суи бажарилапти.

Гўзал вадийнинг Ҳўқанди латифида жойлашган 12-«Меҳрибонлик уйи»га борганимизда, бизни 22-23 йиллар ҳамасидаги йилгит кўтиб олди. У би билан саломлашаркан, гапириш оҳангида русча талаффуз билиниб турарди. Кейин суритирсак...

«Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!»

— Асли рус фарзанди, — дейди "Меҳрибонлик уйи" директори Раҳбархон опа Мирзаева. — Уч ёшида қарамовимизга келган. Мана улғайди, исми Пётр эди, Пулат деб қўйдик. Ҳозир меннинг ўйида туради. Бо-ларим билан апок-чапоқ. Кундуз куну бу ерда менга қарашиб туради. Ниятин уни ўқитиб, ўйли-жойли қилиш.

Тошкентга келин қилиб олиб кетишди. Раҳбар опа-нинг айтишича, яқинда Ло-лахоннинг қайнота-қайнона-сидан дил сўзлари битил-ган мактуб келибди.

"Меҳрибонлик уйи" ди-ректорининг айтишича, жор-ий йилнинг биринчи чора-гида бу ерда 90 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилибди. Кўк-он шаҳар 2-пакта заводи, ё-ғочий ҳиссдорлик жамияти ана шу савобли ишга бел боғлаб, болалар ўйини кел-тиришнинг уйидай қилиб таъмирлашган, барча жиҳоз-лар билан таъминланган. Дам олиш хоналари, Ма-навият ва маърифат бурча-

Иншонни ўқиймиз: "...Бахтли бўлиш учун ҳаётда эзгу ниятлар, куч ва иродани ишга солиш керак. Қўлидан келганча биринчи навбатда инсон би-рибига яхшилик қилиши, қолаверса ўз юртини, яшаб турган гунаҳини асраб-авайлаши, унинг қадрига етиши керак. Юртимизга сўқилиб кирмоқчи бўлган қабих ниятли ғаламислар-га қарши туришимиз ло-зим. Бунинг учун эса биз, Юртбошимиз таъкидлаган-ларидек, кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишимиз шарт. Зеро, оқил инсонгина ўзини, ўз юртини химоя қила олади."

Еш қизалокнинг қалби-дан отилиб чиққан бу сўзлар-га эътибор беринг-а. Унинг ҳар бир сатрида Ватанга бўлган муҳаббат устулик қилади. Бу беҳиз эмас, ал-батта. Зеро, бу болалар бахт, меҳр нима эканлиги-ни бошқалардан кўра те-ранроқ англайдилар.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтиришни даврийнги ўзи тақозо этмоқда. Бу борада мамлакатимизда кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Бундай ишлардан кўзда тутилган мақсад шуки, энг чеқка қишлоқдаги беимор ҳам шаҳардагидек замонавий жиҳозланган шифокорларда даволанишига замин яратиш. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда жойларда қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилапти. Бундай янги биноларга эса тиббийки, янги асбоб-ускуналар, тиббий жиҳозлар зарур. Ана шуларни ҳисобга

Умид билан суқилган таёқ...

Бешариқ туманида бугунги кунда жисмоний ва маънавий тарбияга алоҳида эътибор қаратилаётди. Эътироф этиш керак, туман ҳокимлигининг бе-восити кўмаги ва эътибори тўғрисида жисмоний тарбия ва спортнинг мод-дий базиси яхшиланиб, мактабларда спорт майдонлари, заллари таъмирла-наётди. Хусусан, ўтган йили 3-21-мактаблар ҳамда 2-иктидорли мактаб-ўқувчилари учун туман ҳокимининг қарорига мувофиқ бўш турган бино-лар спорт клублари ташкил этиш учун ажратиб берилди. Айни пайтда улар ҳолийлар томонидан тўлиқ таъмирла-ниб, фойдаланишга топширилди.

Бундай кенг қамровли ишлар туман-нинг бошқа мактабларида ҳам олиб борилапти. Айниқса, 11-мактабдаги стадионини ва спортнинг бошқа турла-ри билан шуғулланишга мўлжаллан-ган хоналарни кўрганимизда ҳавас қил-дик. Кўнглимизда чеқка қишлоқлар-да ҳам шундай иншоотлар курса бўлар экан-ку, деган фикр ўтди. Айтишлари-ча, бу стадион кечга яқин ниҳоятда ғажув ҳам бўларкан. Ҳа пайти бу ерда футбол, волейбол, баскетбол мусо-ба-қалари авж оларкан.

Биз Бешариқ туманининг энг чеқка қишлоғи Яқкутда ҳам бўлдик. Бу қишлоқ Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Чегарага өтиш учун ати-



ги олти километр юрсангиз, бас. Қи-шлоққа боришдан олдин бу ернинг ша-роити бошқа жойларга қараганда бир-мунча оғир деган гапни эшитгандик. Электр чироғи ва газнинг тез-тез ўти-ришини айтишганди. Бу ҳақда гапи-рганимизда эса...

— Йўғ-э, — деди Яқкут қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бойирхон ага Исоқов. — Шароит унча оғир эмас. Газ ва электрга келсак, бизда иккаласи ҳам бор, фақат токнинг бир соат-икки соат узиб қўйилишини айтишим керак. Ле-кин, энг муҳими, Португалиядаги фут-болларни кўрдик. Эшитишимизга, баъ-зи қишлоқдагилар электр йўқлиги боис шундай чиройли ўйинларни кўролма-пти экан.

— Болалар спортга ҳақиқда нима дей-сиз? — Нима дердим, раҳмат дейман. Бу-лажонларимизни ўйлаб, шундай зўр шароитлар қилинапти. Бизнинг бо-лалагимизда эса коптоқни топиш кат-та муаммо эди. Энди қаранг, энг чеқ-ка қишлоқларда ҳам худди пойтхатда-гидек спорт иншоотлари қуриляпти. Бундан қувонай бўладими? Фақат бир-нарсани айтишим керак, қишлоқда би-лағиз, ҳар ким спорт билан билганича шуғулланади. Жисмоний имконияти мос келадими-йўқми, каттага кичик спортнинг турри келган тури билан шу-

Водий гавҳари

Меҳр халқимизнинг қон-қонига синиб кетган туйғу. Мурувват ҳам ёнда муҳтож одам бўлса қараб турсангиз халқимизга хос бўлган ҳислатдир. Ота-боболаримиздан ўтиб келган бу ришталар биз — авлодлар учун тарбия воситаси, ўзига хос мактаб саналади. Ана шу туйғуларнинг завои топасидеи эса одамийликнинг ўлам-сидан озолаётди. Фарғонада Меҳр ва мурувват йилида олиб борилаётган ишлар меқдиси бу борадаги интилишлар-ни тўла қамраб олмақда, деб бемалол айтиш мумкин.

Бугун юртимизнинг ҳар бир гунаҳида бундояқлик иш-лари амалга ошириляпти. Улкан иншоотлар, замонавий бинолар, равон йўллар барпо этиляпти. Минглаб ўғил-

қизлар хоржиғине энг нуфузли мамлакатларида тахсил олмақдалар. Буларнинг ҳаммаси истеқлоқ шароитидан. Ана шундай қувонча, мактанга арзийдиган янгилишлар вилоятда ҳам кенг қанот ёйган. Ушбу ўзгаришлар, бунёд-корликлар сабабчиси эса фақат ўзига ўхшайдиган УЗБЕК халқидир.

Шайх Саъдийнинг таърифича, Самарқанд ер юзининг сайқали саналади. Алломанинг бу баҳосига қўшимча қилиб юртимизнинг ҳар бир гунаҳида алоҳида таърифласак му-болагага ўрин қолмас. Шу маънода, Фарғона юртимизнинг гавҳари саналади. Бу гавҳар эса Меҳр ва мурувват йилида бундан-да кўрк-чирой очиверсин, деймиш.

Меҳр ва мурувват манзиллари бўйлаб "Халқ сўзи" мухбирлари Н. СОБИРОВ, М. ЖОНИХОНОВ, Т. ҲАМРОҚУЛОВ (суратлар) сафор қилдилов.

Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йиллигига

Буюк бир мухаббат

(достондан парча)

Озодлик ва тенглик —
минг йиллик орзу,
Хатто армон эди. Умрлар гариб,
Кутариб юрмасдан тошу тарозу,
Дунёни бир экин отди ағдариб.

Бировдан яшириб,
бировдан чўчиб,
Худо, деганларга

ногаҳ кирди жон.
Мамлакат раҳбари минбарга қўчиб,
Қасамд айлади. Қўлида Қуръон.

Ассалом алайкум! Янгидан

дунё

Минг йиллик Бир Ерни

таний бошлади.

Кимнинг дарди эди ғарами, рўё,

Уларнинг айланиб қолди

бошлари.

Юрт бағри боғларга кўмилиб кетди,
Кўчаларда қатор
олий қасрлар.
Шийдатга, сурьатга қалблар ўртанди,
Гарчи бўлмаганди бу ҳол
асрлар.

Кенгайди тафаккур.
Кенгайди дунёмиз, —
Қайтдиқ

унқтилган қадриятларга.

Энди гашланамиз ва —

қиламиз номус

Ким қулдек эгилса бадниятларга.

Энди, бу мен, деган,

гурурланган учун —

Бошда ўйнамайди ҳеч қачон қамчи.

Довонлардан ўтган

йўллар кенг ва узун,

Мисолми?! Шунчаки бир мисол —

Қамчиқ!

Бирон ёдгорликми, бирон кўприкка

Боқиб

ҳис этасан,

кўп улкан ишлар.

Бундай пайт

ифтихор тўлар юракка

Ширин туюлади

барча

ташвишлар!

Омон МУХТОР.



Кутубхона —

нурхона

Бўз туманидаги 26-ихтисослашган мактабнинг ўқувчи ва мураббийлари мактаб кутубхонасига имкониятига қараб икки ва ундан ортиқ бадий, илмий ва илмий-оммабоп китоб келтирадиган бўлишди.

Ташаббуснинг қаноти бор экан. АҚШнинг "АКСЕЛС" дастури ғолиблари О. Эргашев ва Н. Жўраевлар кутубхонага инглиз тилидаги 105 дона китоб ва бошқа зарур қўлланмалар совға қилишган бўлса, бир неча ҳомий ташкилотлар ҳам баҳоли қудрат китоб ва дарсликлар тўхта этишди. Яқингинада бор-йўғи 1114 та китоб фондига эга бўлган кутубхона чинакам зиё масканига айланмоқда.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Товар сертифициланган



«GAZ-31105»

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ АВТОМОБИЛЛАРНИ СОТИДИ.

«Ижмаавто» ОАЖ,
«Русавто ГАЗ» МЧЖ — ишлаб чиқарувчи заводларнинг барча моделларига буюртмалар қабул қилнади.

Тўлов шакли — турлича.

Мулоқот учун телефонлар Тошкентда:
(99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62
Наманганда: (38944) 22-35-9,
(99897) 104-25-86.



«GAZ-3102»



«VAZ-2106»



«GAZEL»

Турли қувватга эга бўлган тегирмон ускуналари

ҳамда эҳтиёт қисмларини завод нархларида етказиб берамиз.



Сериёс хизмат билан таъминлаймиз.



144-45-58
155-43-93

O'ZSANOATQURILISH BANK
Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

«ВОЛГА» автомобиллари «GAZEL» сотилади

«GAZ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги оғирдан ГАЗ-31105, ГАЗ-3102 автомобиллари ва «Газель» русумидаги юк машинасини таклиф этади.



Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган. 191-03-80, 191-10-43.

«Чинобоғ нахтга мозалаш» ОАЖ

умумий йиғилиши қарор қилади:

- 2003 молиявий ҳўжалик йили якунлари бўйича жамият бошқарув раиси ҳисоботи тасдиқлансин.
- 2003 йил якуни бўйича олинган соф фойда тақсимоти тасдиқлансин.
- Жамият кузатув кенгаши таркиби куйидаги тартибда тасдиқлансин:
 - Салоҳиддинов Абдуманноб — кенгаш раиси, давлат ишончли вакили;
 - Абдуллаев Мўминжон — аъзо;
 - Аҳмедов Аъзамжон — аъзо;
 - Хожиев Абдурахим — аъзо;
 - Абдуллаева Ижобат — аъзо;
 - Далиев Обиджон — аъзо;
 - Мирзаев Сарвар — аъзо.
- Жамият тафтиш комиссияси ҳисоботи тасдиқлансин.
 - Акбаров Набижон;
 - Аҳмаджонов Мамажон;
 - Хошимов Хомитжон.
- 2004 йилда жамият ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун жамият раиси томонидан ишлаб чиқилган бизнес-режа тасдиқлансин.
- Аудитор ҳулосаси тасдиқлансин.

Кузатув кенгаши.

«GARANT MEBEL» МЧЖ

мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлири учун мебелларни арзон нархларда таклиф этади.



Улгуржи харидорларга ҳезирмалар берилади.
Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17, 104-49-63, 104-49-67. Факс: 152-21-82.

Ушбу жойда **«Халқ сўзи»даги Реклама** — **Сизнинг** рекламнигиз бўлиши мумкин эди! **бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!**

Кишлоқ ҳўжалик корхоналари, фермер, деҳқон ва чорва ҳўжаликлари раҳбарлари диққатига!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КИШЛОҚ ВА СУВ ҲўЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ШАКЛИДАГИ РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ҲўЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМАЛАР БАЗАСИ

1. Қишлоқ ҳўжалик шиналари:
• 13.6x38 — 189 200 сўм;
• 15.5x38 — 212 300 сўм;
• 9.00x16 — 65 000 сўм;
• 9.5x42 — 146 200 сўм;
• 720/665 ФД — 650 000 сўм.

2. Тракторлар (Минск трактор заводи — МТЗ):
• МТЗ - 80.1.57 — 17 500 000 сўм;
• МТЗ - 82.1.57 — 17 750 000 сўм.

3. Дизелии трактор двигателлари:
• Д - 243 - 202 — 2 800 000 сўм.

Махсулотлар сертифициланган. Мурожаат учун телефонлар: 41-38-80, 132-12-04, факс: 132-11-06.

UZDUNROBITA first cellular

330

«Ўздунробита» компаниясининг Тошкент шаҳрида янги номерлар индекси

Доимий тараққиётга кўшилиниг!

"Шахсий кабинет" янги хизмати - Интернет орқали (my.uzdunrobota.uz сайтида) телефонингизга тегишли: баланс, тўловлар, сўзлашувлар ҳақида тўлиқ маълумот ва бошқа хизматлар ҳақида маълумотлар олиш имконияти.
Тариф: Уланиш учун - \$1,0, ойига - \$3,0.

www.uzdunrobota.uz / wap.uzdunrobota.uz

Қишлоқ ҳўжалик махсулотлари ишлаб чиқарувчилари диққатига!
«AGREGAT ZAVODI» ОАЖ
ОВХ-600 ВЕНТИЛЯТОРНИ ПУРКАГИЧЛАРНИ
ишлаб чиқаради ва сотади.

Тўлов — ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан.
23204 ҳисоб рақамига қисман, яъни
50 фонгичча тўлаш

Завод манзили: 700057,
Тошкент ш., Уста Ширин к., 117-уч.
Телефонлар: 148-02-40, 148-11-02, 48-16-51, 48-29-21

ВСЕМ ЗАИНТЕРЕСОВАННЫМ ОРГАНИЗАЦИЯМ!
Компания «TECHNOMARKET PLUS» являясь официальным дилером ОАО «ГАЗ», предлагает со склада в Ташкенте автомобили марки «GAZ-31105», «GAZ-3102», «GAZ-3302» (ГАЗель грузовая) НИЗКИЕ ЦЕНЫ Любая форма оплаты Услуги лицензированы

Не ошибитесь в выборе партнера! а также принимает заявки на все виды продукции ОАО «ГАЗ».

Товар сертифицирован
Контактные телефоны: 199-55-96, 199-87-23

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мияткалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси жамоаси спорт ўйинлари бўйича Республика Олий спорт маҳорати мактаби директори, Баскетбол федерацияси бош котиби **Хуснат АББОСОВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этади.

Республика «Дори-дармон» давлат акционерлик уюшмаси жамоаси Самарқанд вилояти «Самарқанд Дори-дармон» давлат акционерлик бирлашмасининг бошқарув раиси Фурқат Абдувоҳидовнинг Шерматовта қизи **Умидла АБДУВОҲИДОВНИНГ** вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Республика радиоаси жамоаси «Ёшлар» радиоанали режиссёр Ноҳир Комиловга отаси **Дилмурод КОМИЛОВНИНГ** вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

«Фармед» хусусий фирмаси жамоаси фирма бош директори Дилором Тошмуҳамедовага отаси **Фоғуржон РАСУЛОВНИНГ** вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Иселикмонтаж» МЧЖ жамоаси собиқ бошқарувчи **Шоҳид Рашидович РАСУЛОВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқурилиш материаллари» акционерлик компанияси бошқаруви ва жамоаси нурода материаллари ишлаб чиқариш менежери Миржамол Жалилович Раҳимовга падари бузруквори **Миржалил РАҲИМОВНИНГ** вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

«Фармед» хусусий фирмаси жамоаси фирма директори Нозим Расуловага падари бузруквори **Фоғуржон РАСУЛОВ** ва турмуш ўртоғи **РАҲНОНИНГ** вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигинда 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г—869, 22202 нусхада боенлид, ҳажми — 2 табик, Ойетт эсулида боенлид.
Котаж бичими А-2
Газета ИВМ компьютерда терилди ва операторлар Жамид Тоғев ва Баҳодир Файзиев томонидан сақфаланди.
Таҳририятда ҳазин 5 қотаждан иёл материаллар қабул қилинмайди.
П-Тижорат материал

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 21.40 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5

● **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпнов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Р. Ерақабов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Маширбаев.